

## ЧЎЛПОН ИЖОДИНИ ЎРГАНИШДА МАТНШУНОСЛИК ВА АРХИВШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

### БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ЧЎЛПОН

**Баҳром ИРЗАЕВ**  
*катта илмий ходим*

Абдулҳамид 1898 йил Андижоннинг обрўли, давлатманд инсонларидан Сулаймонқул баззоз Юнус ўғлининг хонадонида туғилган. Унинг отаси ўз замонасининг тараққийпарвар, зиёли инсонларидан бўлиб, бу хонадонда тез-тез бўладиган йиғинларда деярли барча фарғоналик жаҳид тараққийпарварларини учратиш мумкин эди. Сулаймонқул баззоз ўз фарзандининг комил инсон бўлиб етишиши учун барча шароитни яратиб берди. Эски мактабда савод чиқарган Абдулҳамид, болалигидан китобга ошно бўлиб улғайди. Қорихонага қатнаб, ҳофизи Қуръон бўлди. Айти пайтда замона илмларини мукаммал ўзлаштириш мақсадида Андижон ва Қўқон шаҳарлари мадрасаларида таҳсилни давом эттирди, рус-тузем мактабида рус тилини ўрганди, Европача таълим асосларини ўзлаштирди.

Чўлпоннинг илк ижодий машқлари Туркистон тараққийпарварлари томонидан ташкил этилган илк матбуот “Садойи Фарғона” ва “Садойи Туркистон” саҳифаларида босилди. Шу тариқа у элнинг оғзига тушиб, халққа Чўлпон бўлиб танилди.

1917 йил бошларида Андижон шаҳрида бир рус миллатига мансуб йигит ислом динини қабул қилади. Воқеликдан хурсанд бўлган бойлар ва уламолар андижонлик миллионер Миркомилбой Мирмўминбоевнинг савдо уйида тўпланиб, уни олқишлашади. Йиғин вақтида маҳаллий бойлар уни шарият асосида тўй қилиб, уйлантирмоқчи ҳам бўладилар. Шу онда даврага кириб келган ёш Чўлпон ўртага чиқиб: ... маҳаллий аҳоли очидан ўлаётган бир пайтда, сенлар катта тўй қилиб, бунақа “мусулмон”ни уйлантиринглар, пул йиғиб ҳажга ҳам йўлланглар! Халқ учун на касалхона бор, на мактаб топилади. Уларнинг ҳолидан ҳеч хабар олмайсанлар” деб танқидли нутқ бошлайди. Чўлпоннинг чиқишидан тўпланганлар ғазабга келаётган пайтда унинг отаси Сулаймонқул баззоз даврага чиқиб, “қўяверинглар, бу ёш болада, уни кечиринглар” деб ўғлини оломон орасидан олиб чиқиб кетади. Мана шу ҳолат ҳам ҳали йигирмага кириб улгурмаган Чўлпоннинг буюк бир жасоратидан, буюк бир келажагидан мужда эди.

Чўлпон Туркистон Мухторияти эълон қилинган онларда унинг илҳомчиси, истиқлолнинг куйчиси бўлди. Шўро ҳукумати қизил қўшини томонидан Қўқон умуман, Фарғона водийси қонга ботирилганида қайғуга ботди. У 1919 йилдан Тошкентда қўним топди. Бу ерда Файзулла Хўжаев билан танишди ва бир умрга яқин дўст бўлиб қолди. Чўлпоннинг хориж таълимини кўрган мутафаккир Фитрат билан дўстлиги алоҳида эътиборга молик ҳодиса. У аслида Фитратни 1913-14 йиллардаёқ “Ойна” журналини ўқиш баробарида билган, унинг 1914 йил рус-турк уруши воқеалари ақс этган сахналарда жўшқин роллар ўйнаб, “Қушбеги” номи билан эл ҳурматига эришганини эшитган эди.

Тошкентда Фитрат ташаббуси билан ташкил этилган “Чиғатой гурунги”да Чўлпон унинг ўнг қўлига айланди. Ташкилот Акмал Икромов (Элхон), Қаюм Рамазон (Ўктам), Мирмашиқ Мирюнус (Элбек), Шорасул Зуннун (Элчи), Маннон Мажидий (Уйғур), Хуршид, Боту, Санжар Сиддиқ, Шокир Сулаймон, Фулом Зафарий, Мирмулло Шермуҳаммад, Ғози Юнус, Шокиржон Раҳимий, Тангрикул Мақсудий, Маннон Рамз, Тўлаган Мўмин каби яна кўплаб иқтидорли ўзбек ёшларининг бошини қовуштирди. Улар ўз йиғинларида Ватаннинг озодлиги ва истиқболи ҳақида суҳбатлар ўтказишар, энг муҳими аъзоларнинг ҳар бири Фитратнинг тавсияси билан илм-фан, адабиёт ва санъатнинг маълум бир йўналишини тадқиқ этишга йўналтирилди.

Чўлпон айна Тошкентда “Иштирокиюн” ва “РосТА” деворий газеталари таҳририятида Мирмулло Шермуҳаммад, Ғози Юнус, Вали Алломов, Абдулла Авлонийлар билан бирга фаолият олиб борди. 1919 йил йил сўнгида Назир Тўракулов томонидан “Янги Шарқ” журнали чоп этила бошлади. Чўлпон бу журнал таҳририятига ҳам таклиф этилади ва унда Ҳоди Файзий, Абдуллабеги Мустақаевлар билан бирга ишлай бошлади. Аллақачон Туркистоннинг биринчи рақамли шоирига айланиб бўлган Чўлпон ижоди намуналарини бу йилларда ўзбек миллий матбуотининг деярли барча сонларида ҳеч бир қийинчиликсиз топишимиз мумкин.

1920 йил Боқуда ўтказилган Шарқ халқлари конференциясига Туркистон ҳукумати раҳбари Турор Рискулов бошчилигида Мунаввар қори Абдурашидхонов, Обиджон Маҳмудов, Абдулҳамид Чўлпон, Ғози Олим Юнусов, Наби Расулов, Тошпўлот Норбўтабеков, Салимхон Тиллахоновлар, Бухородан Файзулла Хўжаев раҳбарлигида, Хоразм ҳукуматидан Бекжон Раҳмонов бошчилигидаги гуруҳлар ташриф буюрадилар. Улар совет маъмурларидан “Туркистондан қизил генералларни олиб чиқиб кетинглар” деган қатъий талаб билан чиқадилар. Бироқ, конференция масъуллари томонидан бу талаб эътиборга олинмади. Мазкур конференция большевиклар ҳукуматининг навбатдаги халқаро даражадаги бир томошасидан бошқа нарса эмаслигини англаб етган миллий тараққийпарварларнинг ҳафсаласи пир бўлади. Энди

маҳаллий раҳбарларнинг бир қисми миллий истиқлолчилик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга киришади. 1921 йил Наби Расулевнинг уйида бўлган йиғинда Мунаввар қори Абдурашидхонов, Заҳириддин Аълам, Турор Рисқуловлар миллий озодлик курашчиларини қўллаб-қувватлаш ҳақида қарорга келишадилар...

Чўлпон 1921-1922 йилларда Бухорода бўлиб, “Бухоро ахбори”да муҳаррирлик қилди. 1922-23 йилларда Абдулхай Тожиев билан Чўлпон Фарғонада чиққан “Дархон”, 1923-24 йиллар “Фарғона” газеталарида ишлайди. Советлар 1923 йил Фарғонада босмачиликка қарши жиддий ва қонли курашни авж олдиради. Бу вақтда Фарғона жаидлари ва маҳаллий раҳбарларнинг қатъий талаби асосида миллий озодлик курашчиларига нисбатан амнистия эълон қилинади. Жараёнда миллий истиқлол курашига бош қўшган бир қисм аҳолини қизил армиянинг муқаррар қирғинидан сақлаб қолишга эришилади. Шундай оғир шароитда Абдулхай Тожиев Москвага чақириб олинади. Чўлпон Тошкентга дўсти Туркистон маориф комиссари Назир Тўрақулов ёнига келиб, Фитрат, Санжар Асфандиёров, Султонбек Хўжанов, Султон Сегизбоевлар билан “Инқилоб” журналида ишлай бошлайди.

1923 йил январь ойида Мунаввар қори Абдурашидхонов ташаббуси билан бир гуруҳ жаид тараққийпарварлари халқ маорифини янада ривож топдириш мақсадида “Нашри маориф” жамиятини ташкил этади. Улар бу хайрли тадбирда вақф мулкларининг имкониятларидан ҳам унумли фойдаланишни ният қилган эдилар. Вақф жамияти муассислиги остида “Ҳақиқат” журналинини чоп этишни йўлга қўяди. Бу жараёнда ҳам Чўлпон улкан ғайрат намунасини кўрсатди. “Нашри маориф” қисқа муддатда вақф даромадлари ва аҳолидан йиғилган пул эвазига каттагина ишларни амалга оширади. Айниқса, Орсдан тараққийпарвар Аҳмад Исҳоқовнинг Туркистон тарихига оид катта кутубхонасини сотиб олиб Тошкентга келтирадилар. Бироқ, маҳаллий зиёлиларнинг бу ҳаракати совет ҳукуматининг жиддий қаршилигига сабаб бўлди. Натижада кўплаб миллий жаид тараққийпарварлари устидан жиноий ишлар очила бошлади. Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саидносир Маржалилов каби халқ орасида катта эътиборга эга бўлган инсонларга қарши мафкуравий ҳужумни авж олдиради. “Нашри маориф”нинг Туркистон ҳукуматдаги ҳомийларидан Назир Тўрақулов ҳам Москвага чақириб олинди. Шундай бир шароитда Чўлпон учун оғир кунлар бошланади. Файзулла Хўжаев Муҳиддин Турсунхўжаев томонидан тайёрлаган тавсифномани имзолаб, Чўлпонни Москвага йўллайди. СССР ХКСда ишлаётган Турор Рисқулов бу ижобий тавсиянома асосида Чўлпонни ўзига таржимон қилиб ишга олади. Шу тариқа Чўлпон 1924 йилнинг охиридан 1927 йилгача Москвада яшашга мажбур бўлади. 1925-27 йилларда Н.Тўрақулов Москвада Марказий

нашриётда раис эди. Унинг ёнида Ф.Каримий ва Алихон Букейхонов билан бирга Чўлпон, Наби Расулев, Шокир Сулаймон, Наим Саидлар тўпланган эдилар.

1926 йили Абдулхай Тожиев Москвадаги Ўзбек муаллимлари институти директорлигини Свердлов номидаги комуниверситетини битирган Ҳамдам Тожиевга топширади. Ҳамдам Тожиев Чўлпонга институт ётоқхонасидан жой берди. Шунингдек, бу вақтда Москвада бўлган Фитратни ҳам ўзбек талабаларига дарс бериш учун жалб этади. Натижада Москва ўзбек талабалари учун ҳақиқий маънодаги маърифат ўчоғига айланади. Улар қисқа муддатда барча ўзбекистонлик талабаларни ўз атрофида жамлаб, турли тўғарақлар, қизгин баҳсу мунозараларни авж олдирди, ҳақиқий илмий муҳитни ташкил этади. Бироқ, Марказнинг “сергак” комсомоллари талаби билан Ўзбек муаллимлар институти тугатилиб, Чўлпон ҳам деярли ишсиз қолади...

Чўлпоннинг Москвадан қайтишида Ўзбекистоннинг Москвадаги доимий вакили бўлган Акбар Исломов ҳамроҳ бўлди. Самарқандга келгач эса, ҳукумат раҳбари Файзулла Хўжаев, Абдуллажон Каримовларнинг кўмаги остида ўз мавқеини тезда тиклаб олади. У 1930 йилгача Гулом Зафарий билан Самарқанддаги Мусиқа билим юртида ишлайди. Бироқ, бу гал ҳам омад кулиб боқмади. 1930 йили совет ҳукумати томонидан ўйлаб топилган “Наркомпрос иши” натижасида Боту раҳбарлигидаги кўплаб миллий зиёлилар қамоққа олинади. Чўлпон ва Фитратлар атрофида қора булутлар тўплана бошлайди. Узокни кўрувчи Файзулла Хўжаев уларни асраб қолиш мақсадида барча чораларни кўришга интилади. 1931 йил 300 сўм билан Чўлпонни яна Москвага йўллайди ва у 1932-34 йиллар Москвада истиқомат қилади. Шунга қарамай коммунистик мафкура Чўлпонга қарши ҳужумни бас қилмади. Чўлпон 1932 йил 27 майда Москва 41, Гражданская кўчаси 101 уйдан Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари Ф.Хўжаев ва А.Икромовлар номига ёзган хатида К.Алимовнинг маҳаллий матбуотдаги Чўлпонга қарши мақолаларини чоп этишни тўхтатишларини сўрайди.

Файзулла Хўжаев ҳукумат раҳбари сифатида буюк Чўлпон олдида ўзини масъул деб билади. Ҳар гал Москвага борганида у билан учрашиб, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. 1934 йили вазият юмшагач, Ф.Хўжаев Чўлпонни яна Тошкентга чақиртириб, ўзи қарши олди. Бу гал унга 500 сўм пул ва яхши шароитли бир уй ҳам топширади. 1936 йили Чўлпон касал бўлиб қолганини эшитган Файзулла Хўжаев уни кўришга боради ва “биз сизни даволаймиз” деб, мамлакатнинг энг яхши дўхтирларни жалб этади...

1936-37 йилларда Чўлпон К.Шарипов раҳбарлигида “Тулистон” журналида Аъзам Аюб, Санжар Сиддиқ, Миркарим Осим, Элбек, Усмон Носир, Уйғун, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Марям Султоновалар билан биргаликда ишлайди. Бироқ,...

1937 йил 12 июл куни ЎзССР ИИХК Загвоздин давлат хавфсизлиги ходимлари Маврин, Агабековлар томонидан тайёрланган қарорга имзо чекди. Унда Абдулхамид Чўлпонга нисбатан аксилинқилобий унсур сифатида ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддалари қўлланади. Эртаси 13 июл куни ҳеч бир қўшимча текширувларсиз уни қамоққа олиш учун ордер ёзилди ва унинг Тошкент шаҳри, Джерзинский кўчаси 49 уй, 2-хонадонида тинтув ўтказилди. Чўлпоннинг уйдан Қоҳирада чоп этилган бир нечта журнал намуналари, шахсий буюмлари соати, камари, паспорти, 45 сўм пул, шунингдек, унга тегишли ёзишмалар, шеърлари, мавжуд кўкрак нишонларигача рўйхатга олиниб олиб кетилди. Шу куни тўлдирилган шахсий анкетасига кўра, унинг оиласи сифатида турмуш ўртоғи Екатерина Ивановна (30 ёш, уй бекаси), сингиллари Фозила (30 ёш) ва Фойиқа (27 ёш)ларнинг номлари келтирилган.

1937 йил 23 июл куни илк сўроқда Чўлпон минг азоб ва таҳқирлар остида ўзига қўйилаётган барча айбловларни тан олишга мажбур бўлади. 1937 йил 10 август куни сўроқда Чўлпон ўзининг ўтмишини ҳикоя қилади. Аслида сўроқда унинг ҳеч бир аксилинқилобий фаолияти асари кўринмади. Шунга қарамай 1937 йил август санаси билан Агабеков яна бир қарорни имзолади. Унда ёзилишича, Чўлпон савдогарнинг ўғли, йирик уламо Заҳириддин Аъламнинг жияни, “Миллий иттиҳод”га у Мунаввар қори Абдурашидхонов томонидан қабул қилинган. Бироқ, шу вақтгача Файзулла Хўжаев, Турор Рисқуловларнинг ҳомийлиги остида қатағондан сақланиб қолган дейилади.

ЎзССР ИИХК Загвоздин 1937 йил 22 август куни Ғози Олим Юнусов ва Чўлпонларнинг аксилинқилобий фаолиятини ўрганиш учун икки ойга терговга тортилсин, деб қарор чиқаради. Афтидан бунга ўша вақтда буюк шоирнинг қамоққа олинишига қарши кенг аҳоли қатламлари ва ёшларнинг қаршилигини инобатга олган маҳаллий ҳукумат раҳбарларининг Марказга мурожаати сабаб бўлган.

1937 йил 25 сентябр куни сўроқда ҳам Чўлпон ўзи таниган билган инсонлар ҳақида берилган саволларга жавоб беради. Бироқ, қалби қордек пок зот бутун ҳаёти давомида миллат дарди ва шеърят илҳоми оламидан бошқа гуноҳни қилмаган эди. У қанчалик оқ кўнгил бўлмасин совет тузуми жаллодлари Чўлпонга нисбатан инсон зоти чидай олмайдиган зулм исканжасини сусайтирмади. Натижада 1937 йил 1 ноябр куни тақдирга тан беради ва “жиноий ишимни кўрдим, розиман, бошқа қўшимчам йўқ, ишни ёпинглар” деб ёзиб имзо чекади. Шундан сўнг ҳам совет терговчилари хотиржам бўла олмадилар. 1937 йил 13 ноябр куни Чўлпон иши юзасидан янги бир қарор чиқарилди. Унга кўра Чўлпон СССР ИИХКнинг “С” бўлими маълумотига кўра, 1932 йилдан гўёки Япония фойдасига жосуслик қилган эмиш. Шу шу Чўлпонни бошқа безовта қилишмади, аммо яна қарийб бир йил давомида совуқ турмада сақлашдилар.

1938 йил 1 октябр куни Чўлпон таниқли тилшунос олим Ғози Олим Юнусов билан юзлаштирилди. Ғози Олим у билан 1915 йил “Турон” жамияти тадбирларида танишганини баён қилади. Юзлаштиришда Чўлпоннинг ҳар доим аксилинқилобий руҳда бўлганлиги, бироқ, унинг аксилинқилобий фаолияти кўлами ва совет жамияти учун қанчалик ижтимоий хавфи масалалари очиқланмади... Чўлпон уни инкор этмади.

Чўлпон 1938 йил 2 октябр куни яна бир халқимизнинг буюк фарзанди Абдурауф Фитрат билан юзлаштирилади. Чўлпон терговчининг саволига мен ҳар доим Фитратни ҳурмат қилганман. Биз ҳеч вақт бир биримизга қарши бўлмаганмиз, ҳар доим дўст эдик. Ҳинд табиби Саид афанди, Ғулом Зафарий, Бахшуллахоновлар билан ҳам дўст эдим, улар билан аксилинқилобий масқадда учрашган эмасман, дейди. Афсуски, сўроқ баённомалари каби юзлаштиришлар ҳам ҳеч қандай амалий аҳамиятга молик кўрилмади. Бунинг бош сабаби ҳукм аллақачон Марказ томонидан чиқарилиб, маҳаллий таракқийпарварлар маҳв этилиши, уларнинг номлари ҳам тарих саҳифаларидан абадийга йўқ қилиниши керак эди.

Шу ерда фикримизни далилласак, Чўлпоннинг айблов баённомаси 1937 йил 16 декабрда ЎзССР ИИХК Агресян томонидан имзоланиб, унда ҳеч бир жўяли асосларсиз, исботсиз, далилсиз буюк ўзбек шоирига ЎзССР ЖКнинг 64, 67, 58 моддаларида кўзда тутилган жиноятлар илинди. Орадан қарийб бир йил ўтгач, 1938 йил 3 октябрда мазкур қоғозлар номи аниқ кўрсатилмаган қандайдир СССР помпрокурори томонидан имзоланди. Ваҳоланки, оралик вақтда қанчадан қанча ҳукмга киритилиши мумкин бўлган воқеъликлар аниқланган. Бироқ, бизнингча юқоридаги қоғоз Марказнинг назоратидан ўтказиб олингани учун унга бирор ўзгартириш киритишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмаган. Энг қизиғи дунё таниган инсоннинг суди қоғозда кўрсатилишича 1938 йил 5 октябр куни соат 13. 55дан 14. 10гача “Учлик” томонидан ўтказилган. Чўлпоннинг ўзи эса 1938 йил 4 октябр тунда, яъни судидан бир кун олди отиб ташланган эди...

Сталинизм фош этилиши билан бошқа катагон қурбонлари каби Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ҳам иши қайта кўриб чиқишга топширилди. Унинг ижодий меросини қайта кўриб чиқиш жараёнида ЎзССР Ёзувчилар уюшмаси томонидан махсус комиссия тузилди. Ҳамон ўзини коммунистик мафкураининг содиқ куллари деб билган айрим кимсалар Чўлпон шеъриятидаги миллий руҳ уфуриб турган нуқталарни “аксилинқилобий” исён сифатида баҳолашда давом этишдан қайтмадилар. Бироқ, 1956 йил 9 март куни сўроққа чақирилган адиб Абдулла Қаҳҳор ўз фикрини қуйидагича баён этади: “...Усмон Носирнинг “Меҳрим” тўпламидаги шеърлар ҳеч қандай аксилсовет мазмунга эга эмас, унинг ўзи ҳам ажойиб шоир ва таржимон эди. Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон” романи бошқа асрларидан кўра бўшроқ, лекин

ёмон асар эмас. Ўзбек ёш шоирлари Фитрат, Элбек, Боту, Чўлпонларнинг шеърлари ҳам бари ажойиб ёзилган, уларнинг ҳам бирортасини аксилсовет асарлар деб баҳо бериш керак эмас...” дейди.

1957 йил 1 август куни СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси томонидан атиги 40 йиллик умри давомида жаҳон шеърият оламида мустаҳкам мавқе эгаллаган, тириклигидаёқ афсонага айланган, буюк ўзбек шоири Чўлпон оқланди. Бу хушхабар Андижон шаҳри, Уйғуробод кўчаси, 3 уйда истиқомат қилган синглиси Паттихон (Фойиқа) Мирхўжаевага йўлланди. Бироқ, 1958 йил 24 март санаси билан шоирнинг катта синглиси Фозила опанинг акасининг қайси айби учун жазоланганини сўраб ёзган аризасига жавоб бўлмади...

1991 йил 27 сентябр куни Фойиқа опанинг ўғли Хотамжон ака мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат Хавфсизлик Қўмитаси бошлиғи, собиқ синфдоши Ғуломжон Алиевга хат ёзиб, тоғасининг кейинги тақдири ҳақидаги маълумотларни сўраб мурожаат этди. Бироқ, ...

Хуллас, Чўлпон миллат истиқболини, истиқлолни орзу қилишда лаҳза бўлсин чекинмади. Унинг Туркистон Мухториятини қўллаб ёзган мақоласи барча Туркистон халқларининг қалбида анчадан буён мудраб ётган инжа туйғуларни жунбушга келтирди. Мухториятнинг қонли бостирилиши билан Чўлпон қалби ҳам яраланди. Истиқлолгами, истиқболгами, ёрдами “Кетдинг-му сен мени ташлаб” деб нидо қилди. Большевиклар зулми кундан кун ортган инқилоб йилларида Чўлпон “Изчилар” тўдаси аъзоларининг белгиси қизил қийиқчани кўлига боғлаб ҳали Тошкент, ҳали Андижон кўчаларини кезиб халқни курашга чорлади. Душманга нафратини яширмади. Касалманд, таҳликага тўла қирқ йиллик ҳаёти давомида бир он бўлсин ижоддан тўхтамади, тўлиб-тошиб, йиғлаб-қақшаб шеърлар битди, мақолалар ёзди, таржималар қилди...

Чўлпоннинг пок номи фақат мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнггина халққа қайтарилди. 1997 йил 2 октябрда унинг 100 йиллик юбилей санаси муносабати билан Андижон давлат педагогика институтга Абдулҳамид Чўлпон номи берилди. Она шаҳри Андижонда Чўлпоннинг бюсти ўрнатилди, унинг мавжуд буюмлари, асарлари, вақтли матбуотида чоп этилган қатор шеър ва мақолалари, Давлат хавфсизлик қўмитасидан олинган унга тегишли ҳужжатлар асосида Чўлпон музейи очилди. Кейинги йилларда ҳам бу йўналишдаги ишлар давом эттирилди. Унинг тўла асарлар тўплами, “Кеча ва кундуз” романи қайта-қайта чоп этилди. “Кеча ва кундуз” романи асосида кино ҳам олинди. Чўлпон ижодий мероси дарслик ва ўқув адабиётларидан ўрин олди...

Амалга оширилган ишларни асло камситмаган ҳолда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз-ки ҳали ҳамон Чўлпоннинг ҳаёт фаолияти, ижодий мероси борасида талайгина оқ доғлар мавжуд. Хусусан, Чўлпон миллий истиқлолчилик кураши

илҳомчиси, Чўлпоннинг публицистик мероси, унинг таржимонлик борасидаги ишлари, Чўлпон ва театр санъати каби кўплаб ракурсларда Чўлпон ижоди ва фаолиятини қайта тадқиқ этиш, шубҳасиз муҳим илмий аҳамият касб этади.

Шу ўринда биз юқорида аллақачон ўқувчилар эътиборига тақдим этилган Чўлпон “иши”ни яна бир бор варақлаб кўйдик. Бундан мақсадимиз шуки, Чўлпон ва бошқа жаҳид тараққийпарварларининг маҳв этилиши мавжуд тадқиқотларда имкон қадар “юмшатиб” кўрсатилган. Энг асосийси ўзини компирқа қулига айлантириб олган ва “ўзимиздан чикқан” манкурт, хоин кимсаларнинг манфур фаолияти ҳам ҳали ҳамон ўзининг асл баҳосини олмаган. Тоталитар тузум қатағон сиёсати қурбонларини оқлаш жараёнида, кейинчалик шаҳидларнинг юбилей саналари муносабати билан партия тарихи институти ходимлари томонидан нашр этилган мақолаларда кўплаб миллий зиёлиларимизга нисбатан бўҳтондан иборат “материаллар” тиқиштирилди. Ҳақиқатни хаспўшлаш мақсадида ёлғон тарих яратилди. Биз бугун совет тузумидан қутилдик, афсуски, совет тарихи ёлғонларидан қутилиш осон кечмаяпти...

Шу ўринда Чўлпон “иши”га тикилган бир ҳужжат ҳақида тўхталиб ўтсак. Унда Чўлпоннинг кундалик дафтарлари ҳақида “мутахассис” фикр билдиради. Биз учун совет “мутахассис”ининг Чўлпон ҳақидаги “ёпишмаган гажаклари” сариқ чақачалик қийматга эга эмас. Аксинча, бизга бугун ўша кундалик дафтарининг қайси бир архив чангалида, қай ҳолда ётгани кўпроқ қизиқ. Совет “мутахассис”и “Чўлпоннинг хотира дафтарлари ҳақида” куйидаги фикрларни ёзади:

*“... Чўлпоннинг сўзича унинг бу хотира дафтаридан ташқари яна 2та хотира дафтари бўлган. Бири Бухорода, иккинчиси Москвада ёзилган. Москвадагиси айниқса, аксилинқилобий сирлар билан тўлган бўлса керакки, у шунинг учун ўз қўли билан ёндириб ташлайдир. Чўлпоннинг бу хотира дафтари бошидан оёқ аксилинқилобий заҳарли идея ва сўзлар хотиралардан иборатдир.*

*Чўлпон аксилинқилобий ташилотнинг энгилганлигига иқрор бўлади. У ўз ўзига ва дўстларига бу энгилиши вақтинча ва энгилишдан энгиши учун курашишига чақиради. Хотира дафтарининг 29.11.26 йилда ёзган хотирасида шундай дейди: “санъат ҳарамларига бир ёввойи бўрон кирди... Олтин қадах, биллур косалардан бир икки жуфтини ағдариб кетди... Майлар тўкилди, косалар синди, қадахлар парча-парча бўлди...”*

*Энгилишининг ҳам кайфи бор, худди энгиши каби! Энгилишига энгиши орқали келинг. Худди энгишига энгилиши орқали келинганидек. Қанотларимиз синган, фанарларимиз ўчган, ҳиссимиз синдириган, қулоғузсиз йўл босамиз. Манзилдан дарак йўқ* (Таъкид бизники – муаллиф).



Бу хотира аксилинқилобий “Қизил қалам” жамияти ва қосимовчиларнинг тор-мор келтирилганидан кейин ёзилган бўлиши мумкин. “Санъат ҳарамига ёввойи бир бўрон кирди” деган жумланинг маъноси санъатга большевиклар ўз идеяларини ва ўз кишиларини киргаздилар деган гап. Бунинг орқасидан “Олтин қадах, биллур косаларнинг бир икки жуфтини ағдариб ташлади”, деган сўзи аксилинқилобий санъатчилардан бир мунчаси қўлга тушди деган гап.

Чўлпон улуғ рус халқига қарши 12.02.27. санада ёзган хотирасида шундай дейди: “сенинг оқ бетларинг унутилиши лозим бўлган оқ “бет”лардек қора парда орасида қолиб кетибдир”. Яна “сарик наҳрнинг булганч сувлари иккига бўлинган улуғ бир балиқнинг қонларини ялайдирлар”. Бу жумладаги “оқ бет, сарик наҳр” деган сўзлар русларга қаратилгандир. Чунки, Чўлпон илгарида ҳам ҳозирда ҳам русларни қаргага, булутга, сарик сифат бериб, “оғзи қон бўри” деб таъбирлар эди. Чўлпон бу заҳарли фикрларини хотира дафтарида қуйидагича ёзади:

Бу ерда Масков, ҳар бир толибнинг талаби,  
Ҳовуч-ҳовуч, қучоқ-қучоқ берилган.  
Лекин, “Масков қизиман”, деб керилган,  
Пойтахтнинг у ясама “чўғ лаби”.  
Сиздан луқма олмаганча ютилмас,  
Унинг бутун тушунчаси олмоқдир.  
Олиб-олиб чўнтагига солмоқдир.  
Берганда ҳам не берарди, дард, мараз!  
... сенинг жойинг эмасдир,

Эй, “пахтастон” ўлкасининг таишаси,  
Эй, Масковнинг 60 йиллик оишаси,  
Масков ўша эски олиб бермасдир...”

Икромовдан Аъламовга келган хат,  
Автомобил тагларида йўқ бўлди.  
Шунинг учун турмушинг ҳам “йўқ” бўлди,  
Аъламовнинг ноқлигида бор иллат!  
Янги чиққан ўзбекларга жой бериш,  
Ҳаммасини хурсанд қилган “Узкинсо!  
Сенга келгач “отказ” билан “ҳай” бериш,  
Безирайиб тура берди... ўлаҳ, ўл!  
Ким деб эди сенга ўзбек туғул деб,  
“Бахтсизликдир” “ўзбеклик”нинг ҳамдами.

.....

.....”.

Бу шеър билан Чўлпон руслар ўзбекларга мараз келтирувчи халқ деди. Рус аёлларини барчаси бузуқ, фоҳиша деди. Чўлпоннинг фикрича рус хотинлари сквер хотинлари эмиш. Масков эса (Масков сўзи билан рус халқини кўзда тутади) ўзбекларни таловчи, босмачи эмиш. Чўлпон бундай аксилинқилобий фикрларини давом эттириб, яна ёзади. Халқ душмани А.Икромовнинг Аъламов деган бир шахсга ёзган хатининг йўқолганига афсусланади. Унинг фикрича шу хатнинг йўқолиши натижасида ўзбек турмуши хароб бўлган эмиш. Бироқ, бу хатнинг мазмуни хотира дафтарида йўқ. Лекин ўйлайман у хат диққатни жалб қиларлиқ хатдир. Чўлпон совет ҳукуматида ва улуғ рус халқига қўлидан келган туҳмат ва ҳақоратларни майдонга ташилаган. Бунга очиқ далил унинг мана шу хотира дафтарида. Чунки, хотира дафтарида бошидан тортиб то охирига қадар аксилинқилобий сўзлар, аксилинқилобий хотирадар билан тўлган. Уни таҳлил қилиб ўтиришининг ҳам ҳожати йўқ. Шунинг учунки, бу хотира дафтарида бу аксилинқилобий фикр очиқ айтилгандир...”.

Н.Охундий

имзо.

Қуйида Туркистон матбуот саҳифаларида босилган бироқ, унинг танланган асарлар тўпламига кирмай қолган ижод Абдулҳамид Чўлпон қаламига мансуб намуналаридан эътиборингизга ҳавола этамиз (табдил мақола муаллифига тегишли):

\*\*\*

### **ЙЎЛ ЭСДАЛИГИ (Кўнгилсиз чиқиш)**

**1921 йил 25 май. Чўлпон.**

Тўғриданда уйдан чиқиш кўп кўнгилсиз бўлди. Ўзим бу кезувимнинг қандай тотли умидлар орқасида бўлганлигини билганим ҳолда, негадир, чиқишим кўп совуқ ва тушункли бўлди. Узотгучи йўқ ...

Ўзим ёлғиз... Энг яқин дўстларим деб ишониб юрган кишиларим “хайр”дан бошқани билмадилар; узотиб қўйишининг керак эканлиги тўғрисида ўйларига тариқча бир нарса келтирмаганлари ўхшайди.

Кўнгилсизсиз, тушунки руҳ билан чиқиб кетдим.

Ёлғизлик, ўрганган ердан айрилиш оғирлиги бир озгача мени эзиб борди, бир озгача қийналдим. Бир оздан сўнг эски тонишим “хаёл” кўмагимга етди: Ўзим унинг билан кенг кўкнинг юмшоқ кўрпалари устида оғаногон чоқда, гавдам чарчаш, толиқишни сезмасдан илгари отилар эди.

Хаёл, гўзал хаёл қара мен сенинг тўғрингда илгари нима деб эдим:

“Хаёл... хаёл... ёлғиз хаёл гўзалдир,

Ҳақиқатнинг кўзларидан кўрқаман.

*Хаёлдаги юлдузлар кам амалдир,  
Оловимни алар учун ёқаман.  
Гўзал хаёл, кел бошимда гул ўйнат,  
Меним эсрик тилагимни эркалат!...”*

*Меним бу ўйларим хаёл тўғрисида кўп тўғри эди. Ул менинг энг умидсиз, энг қийнолгон, энг эзилгон чоғларимда келиб бошимдан силар, сийпар, юпатар, эркалатар эди.*

*Ул борида меним ёлғизлигим билинмас, кўзимнинг ёқут ёшларини сассиқ япроқлар силамас, етилган қизларнинг ипак, ёғлиқлари (рўмоллари) каби юмишоқ бўлган хаёлнинг қўллари силарлар эди.*

*Уйдан кўнгилсиз чиққан эдим.*

*Кўнглимни ёлғизлиқ, ётлик туйғуси айлантириб олгон эди. Хаёл келди ва мени бу қийинликдан ҳам қутқарди!*

*Кетиш...*

*Биз кетиб борар эдик.*

*Қулоқларимга отсиз араванинг такир-тукири эшитилиб борар эди.*

*Теварагини ёруғ қилиб турган ер юлдузлари – чироғлар париларнинг кўзларидай йироқдан йилтиллаб кўринар эдилар.*

*Биз қоронгуликқа кириб борар эдик. Ёруғдан қоронгуликқа чиқиш биздек тентакларнинг иши бўлмаса, бошиқа кимнинг иши?*

*Икки ёғимизда зўр боғлар қаторлашиб чизилиб кетганлар эди. Уларнинг хипча беллик тўғри бўйлик, кўп бутоқлик таналари қоронғуда бир тўплам “хаёл-вахм” каби кўринарлар эди. Олачуқ ва капаларда ёниб турган ёғдусиз, хира чироғларнинг оловлари меним умидсиз чоғдаги кўзларимга ўхшаб милтирар эдилар.*

*“Милтираган хира чироғ, сен йўқсул,*

*Ел қаттигроқ келиб урса ўчасен.*

*Ёр алдаган севгувчининг руҳидай,*

*Бир лип этиб йўқликларга кўчасан!”*

*Қоронғудан қўрқиб, гужум бўлиб – бекиниб ётқон дарахтлар бизнинг аробамизнинг ели билан қўрқа-қўрқа қимирлаб қўйиб, тогин тек бўлиб қолалар эди.*

*Чоғ чоғ у ер бу ердан эшитилган қуш товушлари, варангнинг йўталгани каби туюлар эди.*

*Қоронгулик, меним умид билан порлаб борган кўнглимни ўзининг қўрқинч қучоғлари орасига олиб ўчирмакчи бўладир, кўнглим эса “хаёл”нинг кўкидан тушгиси келмай қоронгуликқа саноқсиз қарғишлар юборар эди.*

Қизил гулдан ясалган чамбарак малика қизнинг бошига тож бўлганидай, кўнглимнинг аччиг, ёмон қарғишлари қоронғулиқнинг бошига “даҳшат тожи” бўлиб ўлтирар, қоронғулиқнинг “ваҳм”ларини тоғинда кучайтиб, унинг “азаматини” тоғинда орттирар эди. Ортиқ меним таним бутунлай қоронғулиқнинг қучоғига кирган, кўнглим ҳам хаёл кўкидан тушиб шунда йўқолур каби эди. Бутун кучимни бир нуқтага йиғиб курашиб турар эдим. Боргон сари ўйлов қуролларимнинг кучсизлангани сезила, танларимдан ҳам бир хил қалтироқ сезар эдим. Бутун борлигим бир безгак ҳолин кечирар эди.

“Мўминлар ётар чоғларида, ўзларини уйқуга берар чоғларида “Аллоҳ” исмини айтиб ёталар, ўзларини уйқунинг кучлик қўллари орасига кўмар эдилар: Менда бутун устагим, бутун амалларим билан “севганимнинг исмини” айтдим ва қоронғулиқнинг чуқур қучоғига отдим...

### **Тенгизлар...**

Тоғ бошида, кўкмак супада қизил лоладан кўрпа ётениб ётқон “сабо”нинг турганига, сочларини ёзиб учганига, талаларда ёввойи гул, боғлар ва чаманларда элма гулларнинг исини иснаб, ашула қилиб, қўшиқ айтиб ўтганига аллақанча чоғ бўлган эди.

Мен қоронғулиқнинг қучоғидаги эскириклик, хушсизликдан энди ўзимга келган, кўзларимни очган эдим. Қиздирғучи қуёш йўқ, қаро заҳар булутлар ҳам йўқ, кўк аллақандай чучмал тусда турар эди.

Отсиз арабамиз йўқ қанотлари билан секингина учиб борар эди.

Хаёл аралаш тамошага толгон кўзларим олдида учмох манзараси очилди:  
Тенгиз!

Қип қизил лола-қизгалдоқ тенгизи!  
“Кенг талада, кўк майсалар ичида,  
Лола гулнинг кенг денгизи кўринди,  
Қизил туси хаёлимдай йиғилиб,  
Танларимга ипак янглиғ урунди.  
Кўзларимга қизил тусдан ингичка,  
Юмиоқ парда секингина тортилди,  
Ўшал чоғда кенг кўргувчи кўзларим,  
Кўрмак бўлган устагимга тор келди...”

Қизил лолалардан бириккан тенгиз кенг эди. Бутун борлигимни ўзига ўраб, чулғаб тортар эди. Қизил тенгиз – севги.

Унинг менинг севги йўлимда учраши севгимнинг умидли, соф, оппоқ эканлигини кўрсатар эди.

Оҳ, агар бир булбул бўлса эди-да, гул тенгизининг қизил тўлқинларига қўниб ишқимнинг оғир бир нағмасини сайраса эди.

Унинг орқасидан кўк гулларнинг кўк гулларнинг тенгизлари, сориқ, зангор гулларнинг тенгизлари, яна тоғин қизил лола тенгизлари қатор-қатор чўзилиб кетганлари эди. Тенгизлар, гўзал гул тенгизлари!

### **Тоғлар ва уларнинг гўзаллик ва хунукликлари...**

Вафо кўрмаган ошиқнинг кўнглидай бузгунликка учрагон Жиззах шаҳридан чиққан миздан кейин “тўқ кўк” тусидаги тасбеҳ доналаридай чизилиб кетган, қатор-қатор тоғлар кўринмакка бошлади.

Менинг севгим каби, йироқдан чиройлиқ бўлиб кўринган ва бу кичкинагина деб ўйлангон тоғлар ёқин етгач дев гавдасидай кенгайган, ваҳмимдай ўсган эди. Кўкимтил қора баданларига чиқиб қолган майсалар тенгизга тушган ой ёғдуларидай кўринар эди. Тоғлар сарв(кипарис)дай бир тўқтамай юксалмак, кўтарилмак истаганларди. Кўзни ўйнатур кўтарилганлар эди. Бироқ, сарвнинг бўйини не не Шарқ шоирлари “ёр”нинг бўйига ўхшатар эдилар. Тоғларнинг бўйини на Шарқ, на Ғарб шоирлари ундай ингичка тушунчалик нарсага ўхшата олмайди. Бир Шарқ шоири: “Тоғлар, гўзал юртимни сақловчи деворлар каби...” деган эди. Мен эсам:

“Юксак тоғлар менинг баъзан алданган,

Хаёлимдай юксакларга ўсмишлар.

Хаёлимни “ҳақиқатлар” тўсмишиди,

Бироқ, тоғлар юксалишин қандай кучлар тўсмишлар?” дедим...

Бу бир савол, мунинг жавобини кўнглим бера олгани йўқ.

Буюк табиат, товушингни чиқор, бир наъра торт. Жим. Сўрогимга жавоб бўлсун! Тоғларнинг энг бошига олбости ўлтиришдек бир ўлтириши билан қупқуруқ қаро тошлар ўлтургонлар. Уларни кўрганда гўё, бу қора нарса кўкдаги энг юзи қора олбостиларнинг бири бўлгандир. Маликалар, фаришталарни ўзининг хунукликлари билан тўйдиргоч улар кўтарганларда тоғ устига ташлагандирлар. Бу эса тоғ устига юқори кўкдан торвойиб тушуб ўлтириб қолгандир. Ёни беридаги, теграсидаги, пастларидаги майда қора тошлар унинг суюқ гавдасидан синиб тушган синиқларидир, демак мумкин.

Олбостиларнинг пастиди ва балантида қора лочин, юзи қора сор, йиртғувчи чузаҳот юради. Кучлик қанотлари билан ҳавони ёриб, ўткир кўзлари билан “қурбон” истаб боради. Тавфиқ Фикратнинг

“Дин шаҳид истар, осмон қурбон,

Ҳар замон, ҳар тарафда қон, қон, қон!” дегани бошқа нарсага бўлсада мен шунга ҳам ўхшатмоқчи бўлдим.

Тоғлар мени кўрқитолар, юрагимни тўлқинлантиралар, титраталар эди. Сорлар, чузаҳотлар ва лочинлардан пастрак гуруллаб учгон бир гўзал қушқина меним кўрққан кўнглимни озроқ юпатар эди...

### **Капалаклар...**

*Севгига йўлиққан кишининг бир “кўнгил очадиргон англамчаси” капалак! Бу қандай гўзал, қандай чиройлиқ махлуқ!*

*Тознинг ёнидан ўтиб борганимизда кўкатлар орасидан визиллаб учиб чиқди. Худди менинг ошиқлигимни билгандай, меним теразамга қараб уча бошлади. Бизда секин борамиз. Улда секин учиб келадир.*

*Ортиқ биз икки дардли бирлашган эдик. Ул меним теразамнинг ёнидаги ип устига қўнган эди. Ул сўйлагандай бўлди, тиллангандай, сайрагандай бўлди. Чинданда ул менга гуллар билан ўтишганлиги тўғрисидаги ўйноқи эртагини айтиб борар эди:*

*“Турдим уйқудан,  
Енгил силкиндим.  
Тоз устларидан,  
Далага эндим.  
Учдим бир талай:  
“Қурбонинг бўлай,  
Кел, бир ўпайин,  
Тотли ирнингдан,  
Сўриб ўтайин!”  
Дедим лолага.  
Уялди лола,  
Қизорди лола,  
Ҳам зўрға-зўрға,  
“Хўп” деди менга.  
Ўпдим лолани,  
Қучдим лолани,  
Сўрдим лолани,  
Очдим лолани...  
Бошқа гулларда,  
Қизил юзларин  
Менга тутдилар,  
Ўпиб бўлгачдан,  
Уялиб кўзин,  
Менга тикдилар.  
Мен ошиқман, мен,  
Мен содиқман, мен,  
Севгидан бошқа,  
Истама мендан!...”*

*Лола ошиқи капалак ўзининг кичкина эртагини битирган, жим бўлган эди.*

*Менда ўзимнинг қизил лоламни тушунган, унинг юмшоқ юзларинга иссиқ иринларимни югуртган, тополмагонлигимдан капалакдан уёлиб бошимни эккан эдим...*

### ***Зарафшон...***

*“Кўз олдимда оқиб ётқон Зарафшон,  
Ёш боладай эркалайдир, ўйнайдир,  
Ховлиқма ҳам бўлса ўзи кўп чаққон,  
Унча мунча тўсиқларни қўймайдир.  
Унинг ўзи, шу ўйноқи қилиги,  
Шу ховлуқма одатаи кўп қўрқунч,  
Сувларининг нозли қиздай силлиги,  
Кўп танларни оғдорарлиқ улуғ куч!”*

*Зарафшоннинг севгига тегишлик ёғи бордир. Мана қандайдир бу: Юқори томондаги улуғ ва ҳайбатлик тоғлар ошиқдир. Қуёш, унинг севган гўзалидир. Қачон ким қуёш кулиб қараса, ошиқ тоғ чидай олмайдир, эрийдир, кўз ёшларини оқиза бошлайдир. Шу кўз ёшлари пастда биргалашиб Зарафшон деган дарё бўларлар. “Зар” тоғ ошиқнинг ёшларидир. Дарё ўшал “зар” кўз ёшларини “сочғувчи”дир. Кўз ёшларни ўзлари ҳам ошиқдирлар. Уларнинг севганлари зўр денгиздир. Улардан бахтли бўлганлари тенгизнинг қиргогига тушалар, бахтсизлари талаларда ерларга сингиб йўқ бўлиб кетарлар.*

*Зарафшон ошиқдир...*

*Тоғлар, юксак тоғлар ошиқдирлар...*

*Қуёш, зўр тенгизлар –маъшуқалардир...*

*Маъшуқа кулар, маъшуқа мағрур.*

*Ошиқ йиғлар, ошиқ излар, ошиқ оқар, ошиқ чопар, ошиқ югурар.*

*Дарё ошиқ, тоғлар ошиқ, қуёш ишқ,*

*Қорлар ошиқ, сувлар ошиқ, тенгиз ишқ.*

*Маъшуқалар кула-кула қочарлар,*

*Ошиқлари йиглаб-йиглаб чопарлар.*

*Ўзларини ҳалокатга отарлар, баъзилари тилакларга етарлар, кўпларида ерга сингиб кетарлар...*

*Менда қочган маъшуқамни қувиб бораман. Етайинми, қучоғига кирайинми, ёки ерга йўқликка сингиб битайинми?*

*Қуёшми, умидимми, севгимми?*

*Кўкдаги булут, оқ булут парчалари устида қизил лолалар очилган эди. Қизил лолаларнинг қизил туслари кун ботиши ёқда кўк юзига сочилганлар эди.*

*Қуёш ботар эди. Унинг сўнг тиглари юксакликларда лола каби очилганлар эди. Қуёшми ботадир? Меним умидимми кетадир? Севгимми битадир?*

...

*Меним умидим шу қуёш каби ми битар?*

*Қўрқамен...*

*Йўқ, бу қуёш букун ботар, яна эртага эрта билан бош кўтариб чиқар. Бироқ, дунё шу дунё, табиат шу табиат, борлиқ шу борлиқдир. Меним умидим ҳам шу чоғда қуёш билан биргами ботар? Йўқ, ул баъзан ботар, унинг ҳам шундай кечи бор. Яна тонги келгач, бош кўтариб чиқар. Бироқ, севги ўшал севги, ишқ шул ишқ, муҳаббат шул муҳаббатдир. Ул мангуга ботмас!*

*Унинг дунё каби кеча-кундузи, ёруғлиқ қоронғулиғигина бордир. Бироқ, ўзи мангудир, абадийдир, битмас туганмасдир.*

*Менинг севгим – абад билан туташқон,*

*Азал билан қучоқлошқон, ўрошқон.*

*Унинг бордир: кундузлари тунлари,*

*Ёруғлиғи, қоронғуси, бўлари –*

*Барчасида ўтадирган нарсадир,*

*Бироқ, ўзи мангу бўлган нарсадир!...*

*Меним севгим ҳам қалбимда қизгалдоқ лола бўлиб очилмиш, танамга қизгалот тусларини торқота бошламиш эди. Қуёшнинг қизиллиғи билан мунинг қизиллиғи капалак билан лоланинг бирлашганидек бирлашиб кетган эдилар.*

### **Тинлиқ...**

*Кўкдаги қизиллиқ менинг кўнглимдаги қизиллик биткунча тинлиқ... Сўнгра: аччиғ бир “оҳ” билан кечанинг сирлик қучоғига кўмилиш...*

*Чин бирлик...*

*Мен йироқ йўлдан келдим, сизнинг учун келдим.*

*Кўп яхши нима истайсиз?*

*Айта олмайман!*

*Нима учун?*

*Меним тилим айтишидан оғизидир, меним қаламим айтгандир.*

*Англамадим.*

*Эзасиз.*

*Ҳеч.*

*Қийнайсиз!*

*Асло!*

*Шафқат!*

*Нима демоқчисиз?*

*Ўқунг!*

*Нимани?*

*Меним дostonларимни, “Олтин дафтар”ни.*

*Берингиз!*



*Ўйноқи кўзлар, ортиқ бир нарсани куталар эди. Қалтираган бармоқлар,  
қўллар олтин дафтарни тошишди.*

*Бутун тилагим, истагим шунда ёзилмишидир.*

....

*Ўткир, алас кўзлар йўллар устида эди:*

*“Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,*

*Энг ёруғ юлдуздан сени сўрайман.*

*Ул юлдуз уялиб бошини букиб,*

*Айтадир “мен уни тушида кўрамен*

*Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,*

*Бизданда гўзалдир, ойданда гўзал!” (“Олтин дафтар”дан).*

*Шеър кучсиздир, тилакни англата олмайлар.*

*Англатадирлар.*

*Англаганингизни кўрмаймен!*

*Ул ҳамма ҳолни англаганини кўрсатмак учун қучоғимга отилган эди.  
иринларим иссиғ ва тотли иринларига тегиб, бир биримизнинг севгимиз ичида  
кўмилгон, ботқон чоғимизда “чин бирлик” шулдир деб ўйладим<sup>1</sup>...*

***Билим ўчоғи. 1922 йил 1 сентябрь. №1.***

\*\*\*

**Туркистон. № 1. 1922 йил 13 сентябр.**

*Адабиёт:*

***ТЎҲОН***

*(Она дўли қишлоқисининг музаффар ўрдуларига)*

*Ай, ин ўнгчи – Ай, Сийқорё – Ай, истиқлол эрлари,*

*Миллий митоқ олингунча тўқтамасдан илгари!*

*Биламиз ким, жаннат каби тупроғингиз ёвларнинг*

*Гўдакларни бостағувчи оёқлари остида,*

*Биламиз ким, довушингиз ҳақсиз чиққан довларнинг,*

*Инсофсизча шовқунларнинг, хурушларнинг пастсида.*

*Биламиз ким, “маданият” бешигида ўлтургон*

*Жаллодларнинг бутун таъма ва ҳирслари шуларда,*

*Биламиз ким, “озодлик” деб шовқун қилган, боқиргон*

---

<sup>1</sup>Билим ўчоғи. 1922 йил 1 сентябрь. №1.

*Бўриларнинг оч кўзлари, олтин тўла ерларда.*

*Биламиз ким, унлар сизни яшамоққа қўймайлар,  
Биламиз ким, қонингизни томчи томчи эмалар,  
Биламиз ким, унлар сира юввош халқни севмайлар,  
Биламиз ким, тупроқ учун инсонлиқдан кечарлар.*

*Биламиз ким, сиз йўқсуллар сўнг чоқда  
Шундай ёмон душманларнинг қўлида,  
Мангу асир, мангу тутқин бўлишни  
Истамасдан қўлга яроқ олдингиз.*

*Биламиз ким, қатор қатор қишлоқлар,  
Сийнасига нон тўлдирган тупроқлар,  
Ўт ичинда, шунинг учун ўлишни,  
Ортиқ кўриб, жонни ўтқа солдингиз.*

*Жонни қонга, ўққа, ўтқа солдингиз,  
Фақат, бу кун тотли бир ўч олдингиз,  
Яна бир қўр таърихларда қолдинги!*

*Ай, истиқбол, Ай Сақарё, Ан Ин ўнги эрлари,  
Юр, мазлумлар тўфонининг ўч олғувчи селлари! ...<sup>1</sup>*

*1922, сентябрь – Тошкент. ЧЎЛПОН,*

*\*\*\**

**Инқилоб. 1922 й. № 5.  
АЙРИЛИҚ ЙЎЛИ (наср).**

*Ойрилиқнинг ўлим отлиқ узун ва қоронгу йўлидан ўтмоқ истаган эдим.  
Кирдим.*

*Кўзимни чип юмиб севги ботирлиги билан у, қўрқунч йўлга кирдим.*

*Икки томонига “ўлим” чечаклари экилган бу қора йўлдан, севги тентаклиги  
билан исраб бир оз боргоч, йўл устида қувониб учуб юргувчи машъум  
бойўғлининг тўлқунлонгон қанот қоқишлари сезилди.*

*У менинг устимдан учиб ўтмоқда эди.*

*Бошимга тегар-тегмас учуб ўтдида қанотидан қанотидан бир неча парни  
устимга ташлади. Пар бошимга тушиди.*

<sup>1</sup>Туркистон. № 1. 1922 йил 13 сентябрь.

*Бўшаидим...*

*Оғирлаидим...*

*Мени оғирлаштирғувчи шум парларни бошимдан олиб ташиламоқ учун қўлим қимирламас, қалтирар эди.*

*Мен бунга қараб турмадим. Шаллар каби судралсамда илгарига қараб йўл олдим.*

*Кетдим...*

*Кун кетдим, ой кетдим, йил кетдим, ёруғлиқ кўринмас...*

*Йўлнинг ниҳоятидан дарак йўқ. Қоронғулиқ боргон сайин қуюқлаша борар эди.*

*Бордим.*

*Яна бордим.*

*Ниҳоят бўлмади; оёқларимдан куч кетди, заиф гавдам йўл устига чўзилди...*

*Тубига ботқон кўзларимдан оғу каби оччиғ ёшлар тўкдим. Заҳарлик ёшларимни тўқар эканман бу йўлчиликни қарғар, ўз-ўзимни шилталар эдим...*

*Сўнг, кўзимда умид ёшлари билан тонг ва ёруғлиқ тангрисини мақтадим; мақтагон чоқдаги кўз ёшларим ҳам ерга тушидилар.*

*Қарғишлиқ кўз ёшларим томгон ердан бир туп тиканлик оғу чечаклик гул ёғочи ўсди ва унинг қўланса иси тўрт ёғимни ўраб олди.*

*Умид ёшларимни тўккан ердан эса бир туп тотлик ис сочқувчи, кучсизларга куч берғувчи, севгилик кўнгишларга янгилик берғувчи гул ёғочи ўсиб чиқди ва унинг иси тиканлик ёғочнинг исларини бўғди.*

*Ёруғлиқ ва тонг тангриси ўзи мақтолгон ерда кўринди.*

*Тонг отди...*

*Ёруғлиқ бўлди...*

*Тонг отар экан йироқларда кўринган ёруғлиқ чизигининг ичидан қоронғулиқларни эрита-эрита сабо париси кела бошлади.*

*У бизнинг ёнга келганида ислик гул ёғочи келинлар каби эгилиб салом берди.*

*Сабо – малак учуб ўтар экан ипак этагини бошимга текизиб ўтган эди, шумли бойўғлининг оғирлиқ берғувчи парлари тушиб кетдилар; у парларни, сабо – ойимнинг ипакли этаги супуриб олиб кетган эди.*

*Мен енгилландим.*

*Сабо – парининг қўлларидан шудринг доналари учуб меним юзимга тушидилар: мен ёшардим, севгим янгиланди, умидим тозаланди.*

*Ўзимда куч, севги ва янгилик сезгач, ислик гулларнинг чечакларига бир ҳаво ўпиш юбордимда ул ердан секингина айрилдим...<sup>1</sup>*

1922 йил 24 январь. **ЧЎЛПОН**

---

<sup>1</sup>Инқилоб. № 5. 1922 й.

\*\*\*

**“Қизил байроқ”. № 158. 1922 йил 31 март.  
ҚУЛЛУҚ ҚИЛАМИЗ**

Март ойининг 18-19ларида биз бир неча киши Бухородан Тошкентга қараб йўлга чиқдик. Бизнинг бу сафаримиз қуруқ бир “командировка” “сафар савдогарлиги” учун эмас эди. Биз бу сафарда Туркистон Жумхурияти ўзбекларининг иккинчи маданият ва маориф қурултойига келиб тура эдик. Бухоро билан Тошкент орасида юратурган нозирлар шўросининг хизмат вағони бўлмаганидан ва қурултойнинг очилишига икки кунгина қолганлигидан биз шошиб йўлга чиққан эдик. Масковдаги Бутун Россия пирқа қурултойига 4-5 кишидан иборат вакиллар элтгувчи бир вагондан ўрин олишимизга ишониб, Когонга чиқдик. Когонда қатъий айтдилар-ки, вагонда жой йўқдир. Шундан кейин биздан уч киши Бухорога қайтиб кетди. Иккимиз эса қандай бўлсада кетмакчи бўлиб ҳаракат эта бошладик. Бир оздан сўнг бизга шул вакиллар йўлагидан жой берилди. Бир кеча йўлакда ва томда қўндик. Ҳолбуки, эртаси куни англаганимизга кўра ичкарида бўи жойлар кўп ва делегатлардан бошқа “командировкаликлар” ҳам кўп эдилар. Сўнгра Қоровулов ва Рашид Валидий ўртоқларнинг бир оз ёрдамлари орқасида ўринлашиб келдик. Лекин, шу сафарда биз Бухоро большевиклар пирқаси Марказий комитети аъзоси ўртоқ Рубенштейндан шу қадар кўпол, тор миллатчилик иси келатургон бузуқ муомала кўрдик ким, бир умр эсимиздан чиқмас! Ўзи билган, таниган ва танимаган овруполикларни “пожалиста” (марҳамат) билан қарши олиб, жой бергани ҳолда бизни вагондан қувлаш учун бор қучи билан тиришди. Ёлғиз Қоровулов, Валидий каби бир икки ўртоқларнинг ёрдами орқасида саломат келдик. Бунинг учун Қоровулов, Валидий ўртоқларга қуллуқ қиламиз ва ўртоқ Рубенштейнга эса: ўртоқ “байналмилалчилик”ни митинг нутқларида эмас, ишда, амалда кўрсатишига тиришингиз. Шарқ мазлумларининг дўсти бўлган, меҳнаткаш бева бечоранинг терисига кириб олиб икки мазлумнинг орасини бузатурган ишлардан сақланингиз, деймиз.

“Бухоро ахбори” газетасининг собиқ муҳаррири Абдулҳамид Сулаймон;  
“Қизил байроқ” газетасининг масъул мудири Ғози Юнус.

“Қизил байроқ” – темир йўлларда хизматда юрган онгсиз, қора овруполикларнинг бундай ишлари русчадан хабарсиз ерлик қора халқлар устида жавлон этадир, деб хафа бўлмасак ҳам бўлар экан; чунки, БКП МКнинг аъзоларидан овруполик ўртоқ Рубенштейннинг бундай ишини ҳукумат ишчиларидан бир оз хабардорларининг устида кўрилди.

Газета муҳаррири А.Икромов газетага мазкур хабарни жойлади ва айни пайтда темир йўл раҳбариятига мурожаат этади. “Ёрлик” номли махсус

текст тайёрлаб ҳамма темир йўл шахобчаларига илиб қўйишига чақиради ва темир йўл маъмурларига аҳолига нисбатан камситувчи хатти-ҳаракатларга нисбатан қатъий кураш олиб борилиши айтилди<sup>1</sup>.

\*\*\*

**“Қизил байроқ”. 1922 йил 6 июль. № 193.**

### **ИККИ ЙЎҚОТИШ**

Сўнги йилларда ўзбек ёшлиги, тараққийпарварлигининг бир мунча чолишқон, пок кўнгиллик йигитларини ер таги оламига судраб олиб кетди. Ҳаммасини бир-бир санаб эсдан ўткармак шу чоқда мумкин бўлмаганлиги учун юзакигина бир ўй юргизиши билан ҳам Аъламов, Исмоилзода, Султонуф, Собир Гофур ва бошқалардан чизилган бир қатор теграли садаф доналарини кўрмак мумкин бўладир. Маҳмудхўжа отамиз билан Муфтизода Абдурахмон ва Азимжонлар садаф доналарининг имоми бўлиб кетдилар. Айниқса, Маҳмудхўжа отамиз билан бир қатор турган Мирзо Фозил (ўшлик), тарихимизга қайтиб кетгани ҳар бир чоғимизда ўзини сездириб қўядир. Воқти билан, Чорнинг темир қўллик жондорлари билан курашиши даврида шу бир ҳовуч ботирлар на самимий, на берилган йигитлар эдилар! Ўлганларининг ўрнига юзлар, минглар билан ўринбосарлар етиштириб кўнглимизга умид ёғдулари ёғдиргон тинлардада кетганларининг хотиралари кўп аччиғ ва заҳарлик таъсир этмакдадир.

Хўқанддан келган ўшандоқ йигитларнинг бири яна икки йўлдошнинг орамиздан йўқолганлигини хабарини берди. Яқин орада Хўқанд ва умуман Фарғона ёшларининг катта оталари, боболари ҳукмида бўлган домла Йўлдош Мавлавий билан ишлик ёшлардан ва тараққийпарвар шоирлардан Иброҳим (Даврон) вафот этганлар.

Домла Йўлдош Мавлавий Туркистон ва Ўш ислом уламоларининг ҳақиқатга қарши кўр бўлишларидан таъсирлангани ҳолда ўзининг табиати аъсори ўлароқ - бошқа ёшлар каби – улар билан курашишликдан ожиз бўлганлигидан бир чекага узлат қилиб чиқиб кетган уламолардан эди. Хўқанддаги “усули жадида” ҳаракатига бошидан оёқ аралашган бу муҳтарам зот, ҳур фикрли ва ринди – қаландар бир киши эди. Ўзи сўнг чоқларига қадар дарс ўтишини ташламаган бўлсада, бошқа кўп мударрислар каби шу восита билан Қорун хазинасини тўпламоқ каби йўлга ҳам кетмаган эди. Бурундан бери йўқсил ва қашишоқларча яшаб келди. Ўлганида ҳам мерос номига бир нарса ҳам қолдирмаган. Ҳатто, ўзи оғриқ экан тузалиши чораларини ҳам кўрмаган ва истамаган.

Юртимизнинг илмсизлик орқасида кетиб борган йўлининг охири қандай қўрқунч эканлигини ортиқ чуқур тушунар эди. 1913-14 йилларда зиёратига кирганимда шу масаладан гаплашиб ўлтириб, “мен бу кетишимиздан кўп

<sup>1</sup>“Қизил байроқ”. № 158. 1922 йил 31 март .

қўрқамен” деган эди. Ўшал вақтдаги аҳвол ва шароитни яхшилаб билган кишилар бу сўзнинг даҳшатини кўп чуқур тушунар эдилар. 63 ёшида вафот этган бу зот араб адабиётининг улуғ олимларидан эди. Шу адабиёт баҳслари устида “Шўро” муҳаррири Ризо қози билан мухобараси бор эди. Туркча (ўзбекча) ва форсча шеърлар ҳам айтар, шеърда (Жовуд) отини қўлланур эди. Марҳум Хўқанд ёшлари тарафидан шаънига лойиқ бир суратда дафн этилган ва асарларини текширмак учун ёш уламолар томонидан 3 кишилик бир ҳайъат юзага чиқорилган.

Иброҳим Даврон (Азимжон Иброҳим ўғли) 48 ёшида вафот этган. Бу йигит Хўқанд ёшлари орасида орасида наشريёт ишлари билан танилган бир киши бўлиб инқилобгача Хўқанддаги янги китоблар ва газеталарни тарқатар ва ёзгувчилик билан шугулланар эди. Унинг: “Миллий жумбоқлар” ва “Ашъори нисвон” отлиқ босилган икки асари бордир. Аввалгиси бизнинг миллий топишмоқларимизни тўплагон бир асар бўлиб, иккинчиси Ўзбекистондан етишган баъзи бир шоирларимизнинг шеърлар мажмуаси эди. Улуғ аҳамиятга эга бўлган сўнгги асари таассуфга қарши, майдонда кўринмайдир. Ҳолбуки, арбоби томонидан теширилтургон бир нарса эди.

Марҳум расмга ҳам ҳаваслик бўлиб, ўз асарлари учун расмлар ишлаган ва 1914 йилда Туркияда ҳам саёҳат этгандир. “Садои Туркистон” газетасининг доимий ёзгувчиларидан бўлиб унда шеърлар ёзгувчи эди (1914). Буда кўп йўқсуллик билан ўлган. Унинг бир жуфт шеъри эсимда қолган ким, ўқимаганликка қарши ясалган бу исён – (ўз вақтида) кўп катта исён эди (ўзича).

“Жоҳил падарим, жоҳил модар эса мутлақ,  
Ҳайрон қолурам куфр ила иймон орасинда”<sup>1</sup>.

**ЧЎЛПОН**

\*\*\*

**Ҳақиқат. №2. 1922 йил 10 сентябр .**

### **МАОРИФИМИ ВА ОСТРОУМУФ**

Бутун Туркистонга балки, Шарқнинг бошқа мусулмонларига ҳам яхши танилган машҳур миссионер Остроумуф Туркистоннинг биринчи волийси Кауфман исмига атаб чиқорилган мажмуада “Туркистон ўлкасидаги яшагувчи ерлик халқларнинг маориф ишларига қараида “траддлар” унвонлик мақоласида қуйидаги фикрларни баён қиладир.

“Туркистоннинг биринчи волийи умумийси бўлган генераль адютант К.П. фон Кауфманнинг Туркистон ўлкасининг қонунини тузиш учун қурган кенг режаси (план) бор эди. Ул режа ичига мутаваффи (К.П. фон Кауфман)нинг

<sup>1</sup>“Қизил байроқ”. 1922 йил 6 июль. № 193.

ерликларга рус маорифи бермак тўғрисидаги фикрлари ҳам кирган эди. Бу қийин ва оғир масалага мутаваффий волий комил аҳамият ва эҳтиёт билан қараган эди. Ерлик мактаб ва мадрасаларнинг аҳволдан ва уларнинг ерлик халққа берган ҳақиқий таъсиридан керагича хабардор бўлмаган волий қисман мазкур қуср орқасидан ва қисманда шу хос масъала билан яхши ошно бўлган кишиларнинг етишмаслиги сабабидан<sup>1</sup> бошда ерлик мактабларни аҳамиятсиз қолдирмоқчи бўлгон эди.

Волий ерлик мактаблар қадим ислом замонидан қолган нарса бўлиб, қобили ҳаёт эмас. Ул мактабларда истиқболдози ҳаёт бўлмоқ учун матлуб унсурлар, хоссалар йўқ ва шунинг учун улар ўз ўзларидан мунқариз (инқироз) бўлиб кетарлар, деб ўйлар эди. Воли жаноблари мусулмонликнинг доҳили қутига ишонмас эди. Ул вақтларда Туркия давлатига “Хаста бир вужуд” деб қараши ҳукм сурганлигидан волининг юқоридаги эътиқодига шул қарашининг бир қадар таъсири бор. Воли умуман ислом маданиятига “ўз асрини яшаб ўтқозгон” ҳам интбоҳга ва тараққиёт мустиқбалага гайри мустеъд (ноқобил) бир нарса деб боқар эди.

Ул бутун диққат ва ҳамиятини Оврупо маорифигагина хиср қилгонлигидан ёлғуз ўшанинг ўзигагина ишонар эди. Мутаваффий илгари Россиянинг шимолий зарбий тарафларида хизмат қилиб ул ерда рус маориф ва маданияти гоёсини палак ташиқотиға қариши мудофаа қилгонлигидан, шул хизмати орқасида ишончлик бир рус маъмури бўлиб етишган ва шунинг учун Туркистон ўлкасида ҳам рус мактаблари воситаси билан руслаштириши йўлини тутмоқчи бўлган эди.

Мана шул мулоҳазалар билан мусулмон маорифини жомади маътил (ўлимга маҳкум) деб ўйлаган мутаваффий воли ўзининг назариясини ерлик халқлар орасида, ерлик мусулмон мактаблари орқали ўтқозишқа ишона олмас эди. Шунинг билан бирга мутаваффий билар эди-ки, Туркистон ўлкасида кўп сонга эга бўлган ва хусусий бир этногрозий гуруҳ ташиқил этган қирғиз халқи бор. Бу халқ ўзининг манишаъйи ва лисоний жиҳатидан ҳар на қадар сортлар билан тоторларга ёқин бўлса ҳам, локин бир тарафлик ва фақат динийликдан иборат бўлган ислом мактаби фикри билан эзилмаган ва шунинг учун маориф тўғрисида қобил ахаз мустеъд ҳаётийроқдир. Биноалайх, мутаваффий ўзининг бутун мунаввар назарини Туркистонда фақат қирғиз болалари учун рус мактаблари таъсис қилишга хиср қилди ва ишонди ким, қирғиз болалари рус мактабларида руслашарлар ва рус қонунига эргаширлар. Шундан сўнг эса тор ва бир ёқлама бўлган исломият, Оврупо маданияти мужассамасининг асос ва гоёларига тўғри келмаган ўз таъсиротини уларга ижро қила олмас.

---

<sup>1</sup> Бу мактаблар тўғрисида русча “Маориф ва завути мажмуаси”нинг 1906 йилда чиққан 2- ва 10- сонларининг 3- бобини, 1907 йилда чиққан 3-сонининг 3-бобини ўқингиз. Тарафимиздан ёзилган ул мақолада шу масъала хусусида ёзган бошқа кишиларнинг мақолалари ҳам кўрсатилгандир. Остроумовф.

*Мутаваффий воли мусулмонликка ва қирғизларга бўлган шул қарашида Шарқ тарихининг мўътабар профессорларидан Григорев билан Қозон гайрирусларининг орасидаги илмий суратда ишлагувчи Илминскийлар тахти таъсирида бўлинар эди. Лекин, маъ таассуф бу жиддий ва оғир масалада мутаваффий воли Илминский билан кўп кўришиб, тўлигроқ фикр ололмагон. Григоревнинг фикрини эрса, Шарқ факультосида унинг дарсларига сомеъ бўлиб сўнгра хидмат қилмоқ учун Туркистонга юборилган “Кун” деган кишининг оғзидангина эшитган. Ҳолбуки, Кун деган киши янги ўлкада ўзига топширилган маориф ишларидан асослик ва тўлагина маълумот ололгони йўқ эди. Зотан, ул вақтларда (1876) Маориф вазиротининг ўзида ҳам Русиядаги гайри русларнинг маорифига маъин ва собит бир қараиш йўқ эди. Қозонда ўшал вақтда тотор (мусулмон) мактаблари учун муаллимлар етиштириш усулини синаб қорошга эндигина киришилганлар эди. Лекин, ул синоиш (тажриба)га ҳам аъдад эътибор билан қарарлар ва бир -оз муддатдан сўнг ул ишда ҳам алданганларини сезган эдилар<sup>1</sup>. Мазкур Илминский боиш бўлиб юрган иккинчи бир усулга таъсир этган гайри руслар орасида маориф ишларини христиан мактаблари асосида юргизишдан иборат эди. Туркистон ўлкасида сира тўғри келмас, ўз жойида (Қозонда) бўлса маҳаллий ходимлар орасида қизгин мужодалаларга боис бўлган эди.*

*Дуруст, ул вақтда Туркистон ўлкаси янгигина фатҳ этилган ва бунга ҳануз сулҳ ва мусолиमत ўринланмаган эди. Ўлканинг биринчи волиси бўлган мутаваффий (марҳум) ҳам ўлкани қайта бошдан таъсис ва бино қилиш ишидаги муътадид ва ҳар нав оғир вазифа ва масъалаларнинг ҳаммасини тушунмакка мажбур эди. Шунинг учун шу шароит доҳилида бўлинган мутаваффий волий Руссияда яшагувчи гайрирус миллатларнинг маориф ишлари ва дохил Руссиядаги мактаб усулини Туркистон ўлкасида тадбиқ этмак иши каби масъалалар билан асослик суратда ошно бўла олмаган эди. Бу ишни ва бу вазифани ўшал вақтда мактаб нозири (инспектори) бўлган Кун жанобларининг қилишлари керак эди. Ҳолбуки, ул волий умумийнинг қирғиз болалари учун рус мактаблари очиш тўғрисида тасодифий қарорларини ўзига маслак, иттихоз этиш билангина кифояланди. Яъни: 1879 йил Тошкентда биринчи дорулмуаллимин (учительская семинария) таъсис қилинди ким унда ўрис болалари билан бирга ерлик қирғиз, қозоқ болалари ҳам ўқисалар керак эди. Ғайри рус миллатларнинг маорифига шу нуқтаи назардан қарамоқ юзасидан эди ким, ўшал дорулмуаллиминнинг дарслари қаторига рус китобати усули (транскрипция) билан таълим берилатурган*

---

<sup>1</sup> Қозонда татар мактаблари учун “муаллим” исми билан рус руҳида тарбияланган ва болаларга шул руҳни бергувчи “учитель”лар ҳозирлаш ишига киришиб машҳур Қозон дорулмуаллиминини очган киши мустаҳрик Родлуф эди. Бу дорулмуаллимин уларнинг мақсадларига хидмат қилиш ўрнига Руссия мусулмонларини уйғотмоққа кучлик омил бўлгон кишилар етиштира бошлади ким, Остроумфнинг “олдонгон” деб юрак куйдириши шунга ишорадир (мутаржим).



қирғиз тили муаллими Лутиж томонидан тузилган қирғизча қироат китобидан иборат эди (2, - Тошкент, 1883)<sup>1</sup>.

Туркистондаги рус ҳоқимиятида ерлик халқларнинг маорифига пухта бир қараши мавжуд бўлмаганлиги учун қирғизларни руслаштириши сиёсати узоқ давом этмасдан алмашинди. Яъни, дорулмуаллимин ўзининг дарс жадвалига 1881 йилда, илгари сорт тили<sup>2</sup>, сўнгра 1881 йилда форс тилини киргизди. Араб тилими қирғизми тўғрисидаги ташаббус бўлгон эди. Рухсат берилмади лекин рус китоби қавоиди билан қирғиз тили ўргатиши ўрнига араб хуруфоти билан сорт ва форс тилларини ўргатишлик мустаҳкам бўлиб қолди. Фақат дорулмуаллиминга қирғизларгина кириб тўлганлигидан илгариги лойиҳанинг тескариси ўлароқ уларга сорт ва форс тиллари орқалиқ ислом китобати ўргатилди....

Сўнгра ерлик халқларга рус маорифи бериши масъаласига янги бир назария тузилиб ул назариянинг таъсири билан 1881 йилнинг 19 декабрида Тошкентда ерлик халқ болаларига биринчи рус-ерлик мактаб (русско туземная школа) очилди. Бу янги мактабга топширилган вазифа, ерлик халқнинг, тошкентликларнинг болаларига рус китобати ва тилини ўргатмакдан иборат эди. Зотан сортларнинг ўзлари ҳам савдогар бир халқ бўлганликларидан мунга шиддатлик эҳтиёж сезмакда эдилар. Шунинг билан бирга бу мактабга кириб ўқувчи ерлик болаларга араб хуруфоти орқалиқ ўз тилларини, форсийчани ва ислом динини ўргатмакка йўл қўйилган эди.

Ул мактабнинг очилишига улуғ аҳамият берилган очилиши маросимида ҳозир бўлган генерал Гродеков (Ўшал замон бу зот Сирдарё музофотининг ҳарбий волийси эди. Остроумуф.) халқларнинг атрофига хитобан: “Ҳаётингизнинг шу кунини сизнинг учун масъуд бир кундир. Бундай мактабнинг юқориқ турини очмоқ соати ҳам сизга насибу рўзи бўлгой!” деган эди (тогин бўлур). Мутаржим Абдулҳамид Сулаймон.

Бошқармадан: Ёши шоир ва адибимиз Абдулҳамид Сулаймон афандининг танзил этиб миссионер машҳур Остроумуфнинг собиқда Туркистон мусулмонларига на даражада дин ва маориф душмани бўлганлигини кўрсатувчи ушбу таржимаси учун “Ҳақиқат” мажмуаси ўзининг мамнуъиятини билдирадир ва бундан сўнг ҳам шундай фойдалиқ таржималари билан мажмуани зийнатлаб туришини сўрайдир.

Туркистон доҳийларидан саналурга лойиқ қори Мунаввар афандининг ташаббусоти доҳиёнаси кўланкасида очилган бир янги мактабнинг расмий кушодасига ҳозир бўлган Остроумуф: “Болаларингизни қорихонага бериб, Қуръон ўқутсангиз қандай яхши бўлур эди” демак ила ҳам ўзининг ёши

<sup>1</sup>Бу киши 1910 йилларда Россиянинг Бухоро ҳукумати олдида сиёсий вакили бўлиб турган эди (мутаржим).

<sup>2</sup>“Сорт” деган таъбир ҳар ерда Остроумуфга оиддир. Мутаржим.

*маорифимизга бўлгон адоватини тажассум этадиргон ва соф кўнгиллик уламони ўз васвасаси билан сайд қилгон эди. Маснавийнинг шоирона тасвирича, “Шайтон Муовияни намоз ўқимоқ учун уйғотади” дегани нақд шунинг айнидир. Чорга васият ва уламога дасосат қилгон Остроумуф шогирдлари таассуфки инқироздан сўнг ҳам йўқолмадилар. Маориф тепасига миниб олиб аҳволи руҳияга хилоф йўсунлар (прогресслар) ихтиро этиб халқимизни маорифдан безитаёздилар-ки Аллоҳ жазоларини бергай.*

*Алҳамду лиллаҳ ким энди халқимиз Остроумуф ва бу кундаги Остроумуф сиёсатини тутғувчиларнинг ким эканликларини ва мақсадлари нима бўлганлигини англай бошладилар. Маорифимиз энди шундай палидлардан покланур, мунга ишончимиз кучлидир<sup>1</sup>.*

---

<sup>1</sup> Ҳақиқат. №2. 1922 йил 10 сентябр. Маорифимиз ва Остроумов